


## I. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2017 йил январь-сентябрь ойлари давомида вилоятнинг асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада 1896,6 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръти 90,4 фоизни ташкил этди.


Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ЯҲМга нисбати 28,1 фоизни ташкил қилиб, 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 3,1 фоизга камайди.

### ЯҲМ таркибидаги улуши




### Асосий капиталга киритилган марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари

2016 йил январь-сентябрь



2017 йил январь-сентябрь




- Марказлашган
- Марказлашмаган

Вилоятда 2017 йилда асосий капиталга киритилган марказлашган инвестициялар 622,9 млрд. сўмни, ўсиш суръати 78,3 фоиз (жами ҳажмдаги улуши 32,8 фоиз)ни ташкил этди. Марказлашмаган инвестициялар ҳажми 2017 йилда 1273,7 млрд сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 97,5 фоиз (жами ҳажмдаги улуши 67,2 фоиз)ни ташкил этди.

**Молиялаштириш манбаалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши**

	<i>млрд.сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>	<i>яқунга нисбатан фоиз</i>
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>1896,6</b>	<b>90,4</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан</i>			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>622,9</b>	<b>78,3</b>	<b>32,8</b>
бюджет маблағлари	60,1	103,7	3,2
давлат мақсадли фонд маблағлари	84,5	46,7	4,4
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	478,3	85,9	25,2
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	622,9	78,3	32,8
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>1273,7</b>	<b>97,5</b>	<b>67,2</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	316,7	90,2	16,7
аҳоли маблағлари	518,0	83,2	27,3
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	70,7	86,0	3,7
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	368,3	155,2	19,5

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаалари бўйича тақсимланиши**




**2017 йил январь-сентябрда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби**

	жами	Давлат	Нодавлат
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>1896,6</b>	<b>289,3</b>	<b>1607,3</b>
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	66,4	84,3	63,2
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	25,5	10,5	28,2
Бошқа харажатлар	8,1	5,2	8,6

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-сентябрга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 23,7 фоизли пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 7,8 фоизли пунктга кўпайган бошқа харажатларнинг улуши 5,9 фоизли пунктга кўпайган.

**Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



- Уй-жой қурилиши
- Ишлаб чиқарадиган саноатда
- Бошқа фаолият турлари
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида
- Профессional, илмий ва техник фаолият Қурилиш
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

## **Ижтимоий соҳа объектларини қуриш**

2017 йил январь-сентябрь ойларида умумий майдони 874,3 минг кв.м. бўлган 7132 та (2016 йил январь-сентябрь ойлари якунига нисбатан 89,3 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 633,7 минг кв.м (78,3 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 699,3 млрд. сўми ёки 54,7 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш ва қайта таъмирлашда 42,3 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди. Бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган жами инвестицияларнинг 3,3 фоизини ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 28,2 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 2,2 фоизини ташкил қилди.


Коммунал қурилиш соҳасида 134,3 км узунликдаги ичимлик суви, 4,1 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-сентябрь ойлари якунига нисбатан мос равишда 72,6 ва 11,9 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 2306,4 млн.сўм, газ тармоқлари қурилишига эса 43,0 млн. сўм миқдорда инвестициялар ўзлаштирилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2017 йил январь-сентябрь ойларида 1156,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 104,6 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 77,0 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 9,4 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 13,6 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан бажарилган умумий ҳажмининг 78,5 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан  
бajarган қурилиш ишлари тақсимоти**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1105,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 95,7 фоизни (2016 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 103,6 фоизни) ташкил қилди.

